
ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ ОЛДИДАН 100 БИЛАН ЮЗЛАШГАН НУРОНИЙЛАР ХОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Муборак Қурбон ҳайити байрами олдидан узоқ йиллар мобайнида турли соҳаларда ўзининг машаққатли меҳнатлари билан Марғилон шаҳрининг ижтимоий ҳаётига муносиб ҳиссасини қўшган нурунийлар ва меҳнат фахрийлари холидан хабар олинмоқда.

Бугун шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхонов шаҳримиздаги маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилиб келаётган, 100 билан юзлашган нуруний отахону онахонларнинг хонадонларига ташриф буюриб, уларни муборак айём билан самимий муборакбод этди ҳамда байрам совғаларини улашди.

Дуогўйларимиз кўрсатилаётган эътибордан мамнун бўлиб, элу юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги абадий бўлишини тилаган холда дуога қўл очдилар.

2024-06-15 16:50:10